

мустақил тасарруф этилиши мумкинлигигига доир қонун лойиҳаси тайёрланиши назарда тутилган эди. Аммо бугунги кунга қадар фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминотига доир қонун ҳужжатларига ушбу имтиёздан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган. Аслида "Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш ҳуқуқи бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим. Шунинг билан биргаликда, унда қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан олинадиган ва дивиденд (фоиз) шаклидаги қўшимча даромадлар фуқаролар томонидан пенсия ёшига етгунга қадар ҳам мустақил тасарруф этилиши белгилаб қўйилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра қуйидагилар таклиф этилади:

- "Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун¹⁵⁷нинг 12-моддаси (Жамғарип бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш)га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим;

- Шахсий жамғарип бориладиган пенсия тизими маблағлари манбалари таркибида уларнинг жамғарип бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш тартиби ва механизми ишлаб чиқилиши ва тегишли тартибда ва ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиш лозим.

Демак, аҳолининг инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириши билан боғлиқ имтиёзлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларининг янада такомиллаштирилиши аҳолига ортиқча пул маблағларини инвестиция қилиш орқали иқтисодий ўсишга, уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ЮКИ МАСАЛАЛАРИ

Саипназаров Шербек Шайлабекович
ТДИУ "Солиқлар ва солиққа тортиш"
кафедраси доценти

Ҳар бир мамлакат ўзи танлаган иқтисодиётини ривожлантириш йўлидан борар экан, доимо қийинчиликларга дуч келади ва қийинчиликлар турли хил омиллар таъсирида вужудга келади. Улардан энг асосийларидан бири бу солиқ сиёсати соҳасидаги қийинчиликлар, солиқ юкининг нотекис ривожланиши кабиларни мисол қилиш мумкин. Барчага маълумки, иқтисодиётдаги ривожланишларнинг манбай бюджет даромадлари ҳисобланади ва ушбу даромадларнинг шаклланишидаги

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида. 2004 йил 2 декабрь, 702-II-сон

асосий манба бу солиқли даромадлардир. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётидаги солиқ юкини ўрганар эканмиз, энг аввало, бюджет даромадлари, ялпи ички маҳсулот ва солиқ ставкаларининг қай тарзда ўзгарганлигини билиб олсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқ юки қўрсаткичи бу ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатининг ва солиққа тортишнинг қанчалик самарадор эканлигини баҳолаб берувчи қўрсаткичdir. Ушбу қўрсаткичга асосланиб чет эл инвесторлари потенциал давлатга инвестиция киритиш маънога эгами ёки йўқми каби саволларга жавоб топишади. Сабаби солиқлар бу мамлакатнинг иқтисодий дастакларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига икки хил тарзда таъсир этиши мумкин яъни ижобий ва салбий. Агар мамлакатдаги макро ва микро даражадаги солиқ юки қўрсаткичи меъёрдан юқори бўлса иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этади, аксинча мадомики меъёр чегарасида бўлса у ҳолда мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш соғлом кетаётганлигидан хабардор бўлиш мумкин.

Янги солиқ тизими корхоналар ва аҳолининг бюджет билан бўлган солиқ муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди.

Корхоналарнинг солиқ муносабатларини белгилайдиган асосий қўрсаткичлардан бири бу солиқ юки категорияси бўлиб ҳисобланади. Солиқ оғирлиги нафақат солиқ муносабатларида, балки бутун иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ оғирлиги даражаси ва унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига таъсири мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилган. Унинг илмий асосланган, адолатли ва тўғри вариантлари кўпгина мамлакатларда иқтисодиётнинг самарали ривожини таъминламоқда.

Республикамизда ҳам солиқ оғирлигининг ҳозирги давр учун энг мақбул вариантини ишлаб чиқиши таъсирини таъминламоқда. Бунинг учун, аввало, амалдаги қонунчиликка асосланиб қўлланилаётган солиқлар ва йиғимларнинг юки даражасини, уларнинг корхоналар молиявий аҳволига ва аҳоли моддий турмушига таъсирини таҳлил этиш лозим. Шундан кейингина солиқ оғирлигининг биздаги даражасига холисона баҳо бериш ва уни маъқул шаклга яқинлаштириш ҳақида ўйлаш керак.

Солиқнинг ўз вақтида тўлиқ ва норозиликсиз тўланиши, биринчи навбатда солиққа тортиш тизимининг ҳаққоний ва адолатли ташкил қилинишига боғлиқ. Бунда солиқ тўловчининг имконияти, тўлов муддатларининг қулайлиги эътиборга олиниши керак. Акс ҳолда солиқ обьектларини яшириб, даромадларни камайтириб қўрсатиш ҳоллари юз беради. Солиқ оғирлигининг юқори бўлиши ишлаб чиқариш ҳажмини чегаралайди, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатни йўқотади. Тадбиркорлар қўпроқ даромад олиши мумкин бўлган солиқдан қочиш имконияти зиёд, мулкий жавобгарлик ва таваккалчилик камроқ, катта сармоя талаб қилинмайдиган соҳаларга ўзларини уришади. Масалан,

қўпчилик тадбиркорларнинг савдо воситачилик билан шуғулланишларини мана шу сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ юкини аниқлаш бирмунча мураккаб. Чунки, унга жуда қўп омиллар таъсирини ўтказади. Умуман солиқлар ва йиғимлар йиғиндисининг ҳар бир корхона ва фуқаро даромадидаги салмоғи солиқ оғирлиги даражасини билдиради. Бундан ташқари, солиқ юкининг тақсимланиш кўрсаткичи ҳам мавжуд. У икки хил қўринишда бўлиши мумкин:


- 1) Солиқ юкини тармоқлар ўртасида тақсимланиши;
- 2) Солиқ юкининг сотувчи ва истеъмолчи ўртасидаги, бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи ва аҳоли ўртасида тақсимланиши.

Солиқ юкининг тармоқлар ўртасида тақсимланиши дейилганда, бюджет даромадларини ташкил этувчи солиқларнинг асосий қисми қайси тармоқлар зиммасига тўғри келаётганлиги, улар даромадларидағи солиқлар салмоғининг фарқланиши тушунилади.

Солиқ юкининг ишлаб чиқарувчи ва аҳоли ўртасида тақсимланиши дейилганда эса, алоҳида олинган маҳсулотнинг охирги истеъмол қийматига киритилган барча солиқлар ва йиғимлар, тўловлар йиғиндисининг қанчаси аҳолидан, қанчаси корхона фойдаси ҳисобидан тўланаётганлиги тушунилади.

Солиқ оғирлиги даражаси хуқумат томонидан белгиланади. Унга қўйидаги омиллар ҳам таъсир этади:

- 1) мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши;
- 2) бозор муносабатларининг ривожланиши;
- 3) инфляциянинг ўсиши даражалари;
- 4) муайян даврда давлатнинг ўз олдига қўйган вазифалари йўналиши ва бошқалар.



1-расм. Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги айrim корхоналардаги солиқ оғирлиги кўрсаткичлари % да

Солиқ юкини ошишидаги икки муаммо устида тўхталиб ўтамиз. Биринчиси, турли тармоқларда солиқ оғирлигини аниқлашнинг ягона, тўғри услугини ишлаб чиқиши. Гап шундаки, ҳозир қўлланилаётган усул, назаримизда, бир мунча нокулай.

Турли тармоқ хусусиятлари турличалиги сабабли ягона усулнинг татбиқ этилиши солиқ оғирлигининг реал даражасини акс эттирмайди. Фикримизни намуна сифатида танлаб олинган Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Расулобод» масъулияти чекланган жамияти, «Газмонтаж» бошқармаси, «Билолбек» савдо корхонаси ва «Кимёвий тозалаш» майший хизмат кўрсатиш корхонасининг кўрсаткичларини келтирмоқчимиз (1-расм). Уларда сўнгги йилларда амалдаги усул бўйича солиқ оғирлиги расмдан ўрин олган.

Мазкур тармоқларда тегишли бошқа корхоналарда ҳам шунга яқин манзарани кўрсатиш мумкин. Бундай ҳисобдан солиқ оғирлиги саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш-монтаж ташкилотларида жуда кам, савдо ва хизмат кўрсатишда юқори деган хулоса чиқмаслиги керак. Солиқ юкини аниқлаш учун жами солиқлар ва йиғимлар ҳамда мажбурий ажратмалар йиғиндинсигин ялпи даромадга нисбатан салмоғини топиш зарур. Солиқ оғирлигини ҳозиргидай аниқлаш реал ҳолатни нотўғри акс эттириш сабаби эса юқорида қайд этилган тармоқларда ишлаб чиқариш харажатларининг турличалигидир. Материал харажатлари ишлаб чиқариш ва қурилишда кўплиги боис маҳсулот қиймати юқори бўлади, солиқ ва йиғимлар йиғиндиси салмоғини эса камайтириб кўрсатади. Бинобарин, хизмат кўрсатиш ва савдода эса материал харажатлари жуда камлиги туфайли солиқлар салмоғи юқори чиқади. Шунинг учун солиқ оғирлигини ҳаққоний аниқлаш мақсадида ялпи даромаддан ишлаб чиқариш харажатларини чиқарип ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ ИЖРОСИ (ҚҚС мисолида)

*Сайдова Ўғилой Рустамжон қизи
ТДИУ докторанти*

Сўнгги йилларда бюджет-солиқ тизимидағи ўзгаришлар бюджетга солиқ тушумлари йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ва айниқса импорт бўйича ундирилган солиқларнинг солиқ тушумларидағи улушидаги ўсиши сезиларли даражада эканлигидан кўриш мумкин.

Ушбу тезисда ўзгаришларнинг импорт қилинган хизматлар учун ундирилган қўшилган қиймат солиғи ҳамда норезидентларнинг даромад солиғининг 2010 йилдан 2022 йилгача ўзгаришларини таҳлил қилиб чиқилган.

Расмда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги